

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТИДА АТРОФ- МУҲИТ СИФАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

**Саттикулова Гавхарнисо Ахмадхановна**

*Тошкент давлат шарқшунослик университети*

*“Иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси*

*gavxarniso\_sattikulova@tsuos.uz*

**Аннотация.** Мақолада ижтимоий соҳани ривожлантириш даражасига баҳо беришда қўлланиладиган ижтимоий тараққиёт индексининг субиндикаторлари таҳлил этилган, ҳамда “энг паст” кўрсаткичларнинг бирига эга бўлган “Атроф-муҳит сифати” субиндикаторини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар таклиф этилган.

**Калит сўзлар.** Ижтимоий соҳа, ижтимоий тараққиёт индекси, субиндикатор, атроф-муҳит сифати, фаровонлик асоси, ташқи ҳавонинг ифлосланиши, қайта ишлаш.

### КИРИШ

Ўзбекистонда ижтимоий соҳани давлат томонидан тартибга солиш ва уни ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигига баҳо беришда Ижтимоий тараққиёт индексидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ижтимоий тараққиёт индекси жамиятнинг ижтимоий фаровонлиги ва тараққиётини баҳолашга қаратилган йиғма кўрсаткич бўлиб, иқтисодий омиллардан ташқари ривожланишни янада яхлитроқ тушунишни таъминлаш учун қатор ижтимоий кўрсаткичларни ўз ичига қамраб олади: таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой, ижтимоий таъминот, хавфсизлик ва ижтимоий инклюзия ва бошқалар.

Микдорий кўрсаткичларда ифодалановчи инсон тараққиёти индексидан фарқли ўлароқ, ижтимоий тараққиёт индекси сўровлар, интервьюлар ва бошқа воситалар орқали тўпланган фаровонлик ва ижтимоий тараққиётнинг сифатли маълумотлари ва субъектив баҳоларини ҳам ўз ичига олади. Шу билан бирга у ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари ва устуворликлари турли минтақалар ва жамиятлар ўртасида сезиларли даражада фарқ қилиши мумкинлигини тан олган ҳолда маҳаллий контекст ва маданий хусусиятларнинг долзарблигини ҳам ҳисобга олади.

### МЕТОДЛАР

Мазкур мақолани ёзиш давомида иқтисодий-статистик, таққослаш каби илмий ўрганиш усулларида фойдаланилди. Шу билан бирга, Ўзбекистонда ижтимоий тараққиёт индекси компонентларига баҳо беришда тизимли таҳлил усулидан фойдаланилган.

### НАТИЖАЛАР

Ижтимоий тараққиёт индекси бўйича мамлакатлар 6 та гуруҳга ажратилган. Эътиборли жиҳати шундаки, айрим ҳолатларда ижтимоий тараққиёт даражаси бўйича битта гуруҳга кирган мамлакатларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ даражаси бўйича бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилиши кузатилади. Масалан, аҳоли жон бошига 21987 АҚШ доллари кўрсаткичга эга бўлган Коста-Рика ижтимоий тараққиёт даражаси бўйича юқори даражага эришган (78,03 Индекс билан 39-ўрин) ва АҚШ (81,70 Индекс билан 29-ўрин ва аҳоли жон бошига ЯИМ 64702 АҚШ доллари) каби иккинчи гуруҳдан ўрин эгаллаган. Айни вақтда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми бўйича АҚШга нисбатан сезиларли паст кўрсаткичга эга бўлган Эстония (37826 АҚШ доллари) ижтимоий тараққиёт индекси бўйича биринчи гуруҳ мамлакатлари қаторидан ўрин олган.

Бошқа гуруҳларда ҳам шунга ўхшаш ҳолатларни кузатиш мумкин. Хусусан, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлган Саудия Арабистони (65,58 индекс билан 90-ўрин ва

аҳоли жон бошига ЯИМ 50022 АҚШ доллари) Қирғизистон (86-ўрин)дан кейинги ўринни эгаллаган. Ваҳоланки, Қирғизистонда аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми 5193 АҚШ долларини ташкил этади, холос. Бу шундан далолат берадики, ижтимоий тараққиётга иқтисодий ривожланишдан ташқари омиллар ҳам кучли таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон ижтимоий тараққиёт индекси бўйича учинчи гуруҳга киради (66,88 Индекс билан 81-ўрин) ва Марказий Осиё мамлакатлари орасида Қозоғистондан кейин иккинчи ўринни эгаллайди (2.2.3-жадвал). Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида Ўзбекистонга нисбатан паст кўрсаткич қайд этилган.

2023 йил маълумотларига кўра, бу икки мамлакат, шунингдек, Қирғизистон ижтимоий тараққиёт индекси бўйича 3 гуруҳ, яъни ўртачадан юқори ижтимоий тараққиёт индексига эга мамлакатлар қаторидан ўрин олган бўлса, Туркменистон ва Тожикистон ўртачадан паст ижтимоий тараққиёт индексига эга мамлакатлар гуруҳига киради.

**1-жадвал**

**Марказий Осиё мамлакатларининг 2023 йилда ижтимоий тараққиёт индексидаги ўрни<sup>1</sup>**

	Аҳоли жон бошига ЯИМ, доллар	Ижтимоий тараққиёт	ИТИ бўйича ўрин	Асосий инсоний эҳтиёжлар (АИЭ)	АИЭ бўйича ўрни	Фаровонлик асоси (ФА)	ФА бўйича ўрни	Имкониятлар (И)	И бўйича ўрни
Ўзбекистон	8073,21	66,88	81	88,79	35	66,41	78	45,45	117
Қозоғистон	26093,29	69,73	63	85,70	60	71,47	54	52,02	85
Қирғизистон	5193,71	66,20	86	83,42	74	66,75	75	48,43	104
Тожикистон	4137,28	57,45	116	84,81	65	58,10	109	29,44	159
Туркменистон	14269,64	60,47	104	88,11	43	59,21	105	34,09	149

<sup>1</sup> <https://www.socialprogress.org/2024-social-progress-index/>

Агар Ўзбекистонда ижтимоий тараққиёт индексининг 2015-2023 йиллар бўйича ўзгаришини таҳлил қиладиган бўлсак, унинг қиймати мунтазам ўсиш тенденциясига эга бўлган. Агар 2015 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиёт индекси 61,33 ни ташкил қилиб, жаҳон мамлакатлари орасида 98-ўринни эгаллаган бўлса, 2023 йилга келиб ижтимоий тараққиёт индекси 5,55 нуқтага, яъни 66,88 гача ўсган. Бунинг натижасида жаҳоннинг 170 мамлакати орасида 81-ўринга кўтарилган (1-жадвал).

Ўзбекистоннинг “кучли” жиҳатларига “инсоннинг асосий эҳтиёжлари”нинг қондирилишини (88,79 Индекс билан 35-ўрин) киритиш мумкин. “Фаровонлик асоси” (66,41 Индекс билан 78-ўрин) ва айниқса, “Имкониятлар” (45,45 Индекс билан 117-ўрин) энг “заиф” жиҳатлар ҳисобланади.

“Инсоннинг асосий эҳтиёжлари” йўналишини ташкил этувчи барча компонентлар орасида Ўзбекистонда энг яхши кўрсаткич “Уй-жой шароитлари” (91,74 Индекс билан 16-ўрин) соҳасида кузатилади. Энг паст кўрсаткич “Озиқланиш ва тиббий хизмат” (88,65 Индекс билан 66-ўрин) соҳасида қайд этилган. Бу ҳолат “инфекцион касалликлар (93,68 Индекс билан 102-ўрин), “бола ўсишининг кечикиши” (73,82 Индекс билан 101-ўрин), “болалар ўлими” (90,78 Индекс билан 80-ўрин), “оналар ўлими” (97,40 Индекс билан 72-ўрин) даражасининг юқорилиги билан изоҳланади.

2-жадвал

Ўзбекистоннинг 2015-2023 йилларда ижтимоий тараққиёт индексидаги ўрнининг ўзгариши<sup>2</sup>

Йиллар	Ижтимоий тараққиёт	Ижтимоий тараққиёт индексидаги	Инсоннинг асосий	Инсоннинг асосий эҳтиёжлари	Фаровонлик асоси	Фаровонлик асоси бўйича	Имкониятлар	Имкониятлар бўйича ўрни
2015	61,33	98	87,73	36	60,00	90	36,46	141

<sup>2</sup> <https://www.socialprogress.org/global-index>

2016	52,05	95	88,65	30	60,75	96	36,76	140
2017	62,99	93	88,98	29	62,29	94	37,69	135
2018	64,10	91	88,82	32	62,50	95	40,97	130
2019	64,51	93	88,49	37	63,43	97	41,61	127
2020	66,15	86	88,40	38	66,68	83	43,38	122
2021	66,77	84	88,48	40	67,26	83	44,58	117
2022	66,68	85	88,60	39	66,82	83	44,61	119
2023	66,88	81	88,79	35	66,41	78	45,45	117
2023 йилда 2015 йилга нисбатан ўзгариши	+5,55	+17	1,06	+1	6,41	+12	+8,99	+24

“Фаровонлик асоси”га тегишли компонентлар орасида Ўзбекистон асосий билимлардан фойдаланиш (91,58 Индекс билан 44-ўрин) бўйича энг юқори кўрсаткичга эга. Энг паст кўрсаткич сифатида “атроф-муҳит сифати” (42,19 Индекс билан 155-ўрин)ни ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу ҳолат “ташқи ҳавонинг ифлосланиши” (18,93, 169-ўрин) ва “кўрғошин таъсири”нинг (56,21 Индекс билан 150-ўрин) юқорилиги билан изоҳланади.

Ушбу кўрсаткичларни миқдор ва сифат жиҳатидан яхшилаш аҳоли турмуш даражасининг ошиши ва ижтимоий тараққиётнинг жадаллашишига олиб келади. Бизнинг фикримизча, бу мақсадга эришиш учун Ижтимоий тадқиқот индекси компонентларини қуйидагича табақалаштириш мақсадга мувофиқ:

- 0,00-0,50 – “энг паст”,
- 0,50-0,60 – “паст”,
- 0,60-0,70 – “ўртачадан паст”,
- 0,70-0,80 – “ўртачадан юқори”,
- 0,80-0,90 – “юқори”,
- 0,80-1,00 – “энг юқори”.

3-жадвал

Ўзбекистон “Ижтимоий тараққиёт индекси” субиндикаторларининг  
 табақаланиши<sup>3</sup>

	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023
<b>Ижтимоий тараққиёт индекси</b>	62,99 (93)	64,10 (91)	64,51 (93)	66,15 (86)	66,77 (84)	66,68 (85)	66,88 (81)
<b>0-0,50 – “энг паст”</b>							
Олий таълим	19,88	21,37	22,24	24,07	26,09	27,55	28,77
Ҳуқуқ ва овоз	16,52	26,74	30,34	32,89	34,88	34,63	34,05
Атроф-муҳит сифати	38,71	38,83	39,12	39,92	40,62	41,31	42,19
Инклюзив жамият	47,02	48,12	45,84	48,38	49,34	47,93	49,83
<b>0,50-0,60 – “паст”</b>							
Саломатлик	60,73	60,15	59,79	59,22	59,28	58,05	59,83
<b>0,60-0,70 – “ўртачадан паст”</b>							
Эркинлик ва танлов	67,33	67,66	68,01	68,19	68,02	68,34	69,14
<b>0,70-0,80 – “ўртачадан юқори”</b>							
Ахборот ва коммуникация	55,96	58,32	62,26	74,09	75,87	76,39	72,02
<b>0,80-0,90 – “юқори”</b>							
Хавфсизлик	85,21	85,83	85,31	85,05	84,60	84,45	84,45
Озиқланиш ва тиббий хизмат	86,56	86,98	87,36	87,71	88,02	88,35	88,65
<b>0,90-1,00 – “энг юқори”</b>							
Сув ва санитария	91,51	90,37	89,45	89,42	89,92	90,19	90,29
Уй-жой	92,66	92,09	91,83	91,42	91,39	91,42	91,74
Бошланғич таълим	93,77	92,71	92,56	93,48	93,27	91,53	91,58

Бундай табақалаштиришни Ўзбекистоннинг “Ижтимоий тараққиёт индекси” субиндикаторлари бўйича амалга оширишдан сўнг субиндикаторларни ташкил этувчиларнинг қиймати бўйича гуруҳларга ажратамиз. Шакллантирилган ҳар бир гуруҳ бўйича алоҳида чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш нафақат мамлакатимизнинг ушбу

<https://www.socialprogress.org/2024-social-progress-index/> asosida muallif tomonidan tuzilgan.

рейтингдаги ўрнининг ошишига, балки республикамизда ижтимоий ривожланишни жадаллаштиришга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Айти вақтда гуруҳлаш натижасида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг биринчи даражали вазибаларини аниқлаш имконияти юзага келади.

## ХУЛОСА

Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра “энг паст” кўрсаткичлардан бири “*Атроф-муҳит сифати*” субиндикаторидир. Бизнинг фикримизга кўра, атроф-муҳитни яхшилашда юқори натижаларга эришиш куйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилади:

- **ташқи ҳавонинг ифлосланиши.** Ушбу индекс қийматини яхшилаш, энг аввало, ҳавонинг ифлосланишига олиб келадиган манбаларни қисқартириш билан боғлиқ бўлиб, куйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади:

- йўлда транспорт воситалари сони ва чиқиндиларни камайтириш учун жамоат транспорти, пиёда ва велосипеддан фойдаланишни кўпайтириш;

- ифлослантирувчи моддалар чиқишини назорат қилиш учун саноат корхоналари ва транспорт воситаларига нисбатан қатъий қоидаларни жорий этиш;

- қуёш ва шамол энергияси каби тоза энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантириш;

- дарахтлар экиш ва ифлослантирувчи моддаларни ўзлаштириш ва ҳаво сифатини яхшилаш учун яшил майдонлар яратиш;

- ҳавонинг ифлосланишини камайтиришнинг аҳамияти ҳақида маълумотларни кенг тарғиб қилиш, энергия сарфини камайтиришни рағбатлантириш;

- барқарор ривожланишга ёрдам берувчи ва инсон фаолиятининг атроф-муҳитга таъсирини камайтиришга қаратилган сиёсатни қўллаб-қувватлаш ва ҳ.к.

- **ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ҳимояси.** Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш биологик хилма-хилликни сақлаш ва экотизимлар саломатлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Фикримизча, ўсимликлар, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш индексини яхшилаш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- яшаш жойларини сақлаб қолиш учун миллий боғлар, табиий кўриқхоналар каби ҳудудларни барпо этиш;

- ўсимлик ва ҳайвон турларига таҳдид солувчи браконьерлик, ноқоқнуний дарахт кесиш ва балиқ овлашнинг олдини олиш бўйича қонунчиликни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш;

- ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишнинг аҳамиятини кенг оммага тушунтириш учун табиатни муҳофаза қилиш саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларга таълим, тадқиқот ва жамоатчиликни жалб қилиш.

- ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонлар яшаш жойлари ҳамда популяциясини тиклашга қаратилган табиатни муҳофаза қилиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни изчиллик билан амалга ошириш;

- табиатни муҳофаза қилиш стратегиялари ва ташаббусларини ишлаб чиқиш учун маҳаллий ҳукуматлар, ННТ ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ҳ.к.

- **қайта ишлаш.** Чиқиндиларни камайтириш, ресурсларни тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда қайта ишлаш индексини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- жамоатчиликни қайта ишлашнинг аҳамияти, афзалликлари ва турли материалларни қандай қилиб тўғри саралаш ва қайта ишлаш мумкинлиги ҳақидаги маълумотлар билан таништириш ва ундан манфаатдорлигини ошириш;



- кишиларни қайта ишлашга ундаш учун қайта ишлаш кутилари  
жамоат жойларида, иш жойларида, мактабларда ва турар-жойларда осон  
фойдаланиш мумкин бўлган ҳолатга келтириш;

- ҳар хил турдаги материалларни йўл четидан олиб кетиш, тушириш  
жойлари ва қайта ишлаш марказларини ўз ичига олган қайта ишлаш бўйича  
комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

- жисмоний шахслар ва корхоналарни қайта ишлаш дастурларида  
иштирок этишга ундаш учун пул мукофотлари, чегирмалар ёки қайта ишлаш  
учун ваучерлар каби имтиёزلарни тақдим этиш;

- қайта ишлашни янада самарали ва тежамкор қилиш учун саралаш  
иншоотлари, қайта ишлаш заводлари ва қайта ишлаш марказлари каби қайта  
ишлаш инфратузилмасига сармоя киритишни рағбатлантириш;

- барқарор амалиётларни тарғиб қилиш, чиқиндилар ҳосил бўлишини  
камайтириш ва маҳсулот ва қадоқлашда қайта ишланган материаллардан  
фойдаланишни кўпайтириш учун корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлигини  
оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга  
ошириш;

- қайта ишлашнинг оперативлигини ошириш ва чиқиндиларни  
камайтириш учун янги қайта ишлаш технологиялари, жараёнлари ва  
материалларини тадқиқ қилиш ва ривожлантиришга инвестициялар  
киритишни рағбатлантириш ва ҳ.к.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Смирнов В. М. Индекс социального прогресса в системе измерителей социального развития России и ее регионов / Проблемы экономики и юридической практики, 2017. - №6. - С.16.

2. Porter M.E., Stern S., Green M. Social progress index 2015. The Social Progress Imperative. 2015. <http://www.socialprogressimperative.org>.

3. Саттикулова Г.А. Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиёт индексидаги ўрни ва уни ошириш йўналишлари / Экономика и финансы. – 2021.-№3 (139).- Б.38-43. <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekistonning-izhtimoiy-tara-iyot-indeksdagi-rni-va-uni-oshirish-y-nalishlari>

4. <https://www.socialprogress.org/2024-social-progress-index>